БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК БОШЛАНАДИ

# ШЕЪРИЯТНИНГ ЁНИҚ ЮЛДУЗИ



## МАНГУ ЖАРАНГЛАГАН СЎЗ

ҲАР БИР ХАЛҚ ТАРИХИДА шундай ёрқин сиймолар бўладики, улар халқининг ақл-заковати ва маънавий камолотининг тимсолига айланадилар. Навоий деганда ўзбек халқининг бой тарихи ёдга тушгани каби Данте деганда Италия маданияти хаёлимизга келади. Англияда Шекспир, Германияда Гёте халқ даҳосини ўзида мужассам этган зотлар эди. Пушкин ҳам ана шундай сиймолардандир. У бизни поэтик заковатининг мўъжизакор сеҳри билангина ҳайратга солмайди, балки асарлари ғояларига жозибали нур бахш этган олижаноб қалби, халқчиллиги, ватанпарварлиги, шунингдек, гўзалликка ва эзгулик тантанасига чексиз ишончи, ижтимоий онгининг, сиёсий қарашларининг фавқулодда ўткирлиги билан ҳам бизни мафтун этади.

**Ҳали эрк майлида ёнар эканмиз,**
**Юрак ҳаёт экан номусга-шонга,**
**Дўстгинам, Ватанга жонни тикканмиз,**
**Кўнгил орзулари фидо ўшанга! —**

деб ёзган шоир, ўз ибораси билан айтганда, «кулбадан чиққан кексайган оталар навқирон ўғиллар — меҳнат дўстлари» тақдиридан ташвиш чекиб, кўкси ўт бўлиб ёнган, бу халқ ҳур турмуш кечиришини истаган, шуни куйлаган ёниқ қалб эгасидир. У халқни тутқунликда тутган шоҳлар салтанатини зўр жасорат билан қоралайди:

**Шоҳ амри-ла, дўстлар, хору зор, тутқун**
**Халқни кўраманми озод ва бардам,**
**Ватаним устида балқирми бир кун**
**Маърифатли эркнинг тонготари ҳам...**

Ҳа, рубоби-ла инсонлар қалбида эзгу ҳислар уйғотган Пушкиннинг ижоди моҳият-эътибори билан «бутун жаҳонга эркни улуғлаш, тахту тож қусурини бир-бир топташ»дан, Россияни уйқудан уйғотиш, шоҳлик вайронаси устига эркеварлар номи битилишига комил ишонч билан қарашдан иборатдир. У ёрқин ғояларнинг, олижаноб ва нафис туйғуларнинг нозиктаъб ифодачисигина эмас, балки рус шеъриятига тенгсиз бир бадииятни ҳам олиб кирган қудратли истеъдод соҳиби.

Шоир ижодининг эътиборга молик яна бир жиҳати шундан иборатки, у ғоявийлик ва бадиийликнинг муштараклиги тимсолига айланди. Бугунги кунда Пушкин асарлари сарҳад билмайди, дунё халқлари унинг шеърларини ва насрий асарларини зўр муҳаббат билан мутолаа қилишаётир. Уни эъзозли шоирга айлантирган омиллардан бири — шоир ижодидаги инсонпарварликнинг теранлиги ҳамда юксак интернационал руҳдир. Бу хислат, шоирнинг айрим асарларигагина хос бўлмай, балки бутун ижодидан қизил ип бўлиб ўтган. Инсоний гўзалликни ҳамда эркни улуғлаган шоир асарлари уни озодлик учун курашган салафлар қаторига олиб чиқди.

Пушкиннинг воқеабанд шеърларидан бири шундай: у «баҳор байрамида — гўзал сайилда қушчага эрк бериб учирар экан», бундан кўнгли таскин-тасалли олади:

**Ахир, мен озодлик этолдим инъом,**
**Ақалли биргина жонга бу нафас! —**

деб ёзади у. Ана шу сатрларда силқибгина турган ғурурни ҳис этиш қийин эмас. Бунда шоирнинг, ҳар қандай шоҳлардан Пугачев афзал, деган фикрига уйғунлик бор. Худди шу руҳ Пушкиннинг бошқа шеърларида ҳам яққол сезилиб туради. «Эркинлик», «Стенька Разин ҳақида қўшиқ», «Аквилон» каби асарлар шу жиҳати билан янада қимматлидир.

**Эркни улуғлайин бутун жаҳонга,**
**Тахту тож қусурин топтайин бир-бир... —**

Шундай исёнкорона руҳ билан суғорилган «Эркинлик» одаси, маълумки, фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнггина тўлиқ ҳолида нашр этилган. Бироқ шоир ҳаёт чоғидаёқ бу асар кўчирилиб, қўлма-қўл бўлиб кетган. Шу фактнинг ўзиёқ халқнинг эркка ташналигини, бинобарин, шоир барчанинг юрагидаги гапни айтганлигини тасдиқлайди.



**Ҳавойи қисматнинг арзандалари —**
**Жаҳон золимлари!**
**Титранг бу замон!**
**Сиз-чи, эй уларнинг хор бандалари,**
**Мардона-мардона бошланг қўзғолон!**

НАҚАДАР ЎТЛИ ДАЪВАТ! Гарчи шоир, қай томонга назар ташламасин, темир кишанлар-у, зулм қамчиларини кўрса-да, қонунларнинг хатарли ва расво эканлигини теран идрок этса-да, «хор бандалар»нинг орзу-истаклари, умид-у, интилишлари тантана қилишига ишонади. Чунки у халқ қудратига, унинг истиқболига чексиз ишонч билан қарайди:

**Ишон, шубҳа қилма, келар у замон,**
**Балқар бахт юлдузи — дилбар ва порлоқ!**
**Россия уйқудан уйғонар, инон,**
**Шоҳлик вайронаси устига ўртоқ,**
**Ёзилажак бизнинг номлар бегумон... —**

деб ёзади у «Чаадаевга атаб» шеърида. Дарҳақиқат, шоирнинг башорати эндиликда реал воқеликка айланди.

Александр Сергеевич Пушкин ўзини фақат рус халқининггина эмас, балки кўп миллатли улуғ Россиянинг фарзанди деб билар, поёни йўқ улуғ Русь ўз овози билан чулғанишига, бундаги барча эллар келажакда номини ёд этишига ишонч билан қарар эди. «Ҳайкал» шеърида ўзига «Александр қуббасидан ҳам баланд» бир ҳайкал қўйганлигини, бу ҳайкал ижоди эканлигини ва мағрур славян насли, авом тунгус, финлар ва даштлар дўсти қалмиқлар шеърларини ардоқлаб, номини эъзоз билан тилга олишларини айтади. Бугунги кунда эса ҳақиқатан ҳам шундай — Пушкиннинг асарлари дилларни забт этмоқда, янги-янги авлодлар маънавий оламини бойитмоқда, қалбларда гўзал туйғуларни тарбияламоқда.

Шоир шеъриятига халқимиз ҳамиша эҳтиром ҳисси билан ёндашган. Пушкиннинг ҳаёти ва ижодига азалданоқ қизиқиш кучли эди. Агар биз Пушкин ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан қизиқадиган бўлсак, у дастлаб бундан 102 йил муқаддам «Туркистон вилояти газети»да учрайди. Шоир туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан прогрессив рус зиёлилари унинг асарларини шу газета саҳифаларида тарғиб қилишди. Газетада Пушкин ижоди ҳақида бир неча мақола ёритилди. Тошкент, Самарқанд, Марғилон шаҳарларида унинг юбилейи нишонланди.

Ўзбек классик шоирларининг айримлари Пушкин ижодидан баҳраманд бўлишган. Бу борада, айниқса, Фурқатнинг фаолияти ибратлидир. У Пушкиннинг «Эркинлик» одаси, «Россияга тухмат қилувчиларга», «Шоҳ қишлоғи хотиралари» каби асарлари билан таниш бўлган. Шунингдек, французларга қарши урушда русларнинг кўрсатган жасорати ҳақидаги Пушкиннинг фикрлари ҳам Фурқат асарларида ифода этилган. Лекин бу — халқ, кенг жамоатчилик улуғ шоир асарларидан бирдек баҳраманд бўлган, деган хулоса чиқаришга асос бўлмайди.

Пушкин ижодини ўрганиш, шоир асарларини таржима қилиш Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ибтидоий йўсинда бажарилди. Рус шеъриятининг қуёши бўлмиш бу улуғ сиймо асарлари билан халқни баҳраманд этиш, шоир асарларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш асосан революциядан кейин амалга оширилди. Айниқса, 30-йилларда шоир асарлари халқимиз орасида кенг миқёсда тарқалди. Бу асарларни тушунишда Ойбекнинг «Даҳодан ўрганиш», Ҳамид Олимжоннинг «Салом, Пушкин», Мақсуд Шайхзоданинг «Пушкин лирикаси ҳақида», Усмон Носирнинг «Бадиий ижод хазинаси», Ойдиннинг «Пушкин маданий даражамизни оширади» каби қатор мақолалар дастуриламал бўлди. Бу соҳиби қаламлар ўз асарларида Пушкин истеъдодининг бетакрор жиҳатларини очиб беришди, унинг асарларини кенг таҳлил этишди. «Боқчасарой фонтани» поэмасининг таржимони Усмон Носир Пушкин даҳоси ҳақида фикр юритиб: «Мен ўз қаршимда шеърий маданиятимни юксакка кўтаргувчи, бадиий маҳоратни эгаллашимга ёрдам бергувчи улкан бадиий ижод хазинаси турган эканлигини чуқур ҳис этдим, — деб ёзади. — Бутун совет ёзувчилари ва шоирлари сингари мен учун ҳам Пушкин бадиий ижоднинг шундай юксак, баркамол чўққисики, унга нисбатан ўз ижод йўлингнинг ҳаққонийлигини аниқлаш мумкин».

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИННИНГ насрий асарларига ҳам қизиқиш кучли эди. Шу боис бирин-кетин унинг қисса ва ҳикоялари она тилимизга ўгирилди. 1930 йил «Дубровский», орадан бир йил ўтгач «Бекат назоратчиси» китобхонлар қўлига тегди. Бу асарларни таржима қилишда ҳам адабиётимизнинг пешқадам вакиллари жонбозлик кўрсатишди. «Евгений Онегин» шеърий романини Ойбек, «Граф Нулин»ни Ғафур Ғулом, «Капитан қизи»ни Абдулла Қаҳҳор, «Кавказ асири» ва «Сув париси»ни Ҳамид Олимжон, «Боқчасарой фонтани»ни Усмон Носир таржима қилишдики, истеъдод муҳри босилган бу таржималар халқимиз маънавий мулкига айланди.

Пушкин дурдоналарининг адибларимиз ижодига таъсири ҳам ўзига хосдир: Ойбек асарларини кўздан кечирар экансиз, пушкинона фалсафий қарашлар, инсонпарварлик пафоси яққол кўзга ташланади. Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достони эса бадиий-эстетик жиҳатдан шеъриятимиз янги босқичга кўтарилишида Пушкин поэтикаси нечоғлик муҳим аҳамият касб этганлигини ўзида зуҳур этади. Миртемир ижодида пушкинона халқчиллик ва соддалик намоён бўлади. Бу каби ажойиб хусусиятлар Ғафур Ғулом ва Уйғун, Усмон Носир ва Зулфия ижодида ҳам бўртиб кўзга ташланади.

Анна Ахматова улуғ шоир ижодини мутолаа этгач, шу ҳақда гапира туриб, «Менинг Пушкиним» деган иборани қўллайди. Худди шу каби шоирларимиз ҳам рус шеърияти қуёши нуридан баҳра олганлар, бинобарин, ўз Пушкинларини инкишоф этганлар. Бу эса ҳар бир шоир маънавиятига, дунёқарашига, руҳий ва ғоявий-эстетик оламига, табиийки, ўзига хос озиқ сифатида кириб борган. В. Г. Белинский айтганича бор: «У Россияда классик шоир бўлиб қолади, асарлари асосида эса фақат эстетик эмас, маънавий ҳиссиётни ҳам шакллантирадилар ва ривожлантирадилар». Дарҳақиқат, шундай, нафақат Россияда, балки ер юзида гўзалликка, ҳақиқатга ташна диллар, тинчлик учун курашиб яшашни маслак деб билганлар, эркесвар инсонлар борки, уларнинг қалбида Пушкиннинг номи абадий яшайди. Зеро, қуёшга завол йўқ, улуғ шоир шеъриятига ҳам. У ҳамиша навқирон, ҳаётнинг, қалб кечинмаларининг рамзи тариқасида умри боқийдир.

**Дилбар ҚАМБАРОВА,**
**филология фанлари кандидати.**

## Тафаккур гулшанидан

**Чирой ўткинчи, талант мангу, сўлмайди.**

* * *

**Ота-боболар шуҳрати билан фахрланиш зарур; уни ҳурмат қилмаслик беҳаёлик, тубанликдир.**

* * *

**Аниқлик ва ихчамлик — насрнинг дастлабки фазилатлари. У фикр ва ҳамиша фикрни тақозо этади — бусиз чиройли иборалар ҳеч нимага ярамайди.**

**Танқиднинг аҳволи адабиёт тараққиёти даражаси мезонидир.**

* * *

**Ўлтирибман уйимда танҳо:**
**Қўлларимда қоғоз ва қалам,**
**Мақсадиммас шону шуҳрат ҳам;**
**Бир дўстликдан бахтлиман аммо.**

* * *

**Муқаддас дўстликка содиқман ҳар вақт.**
**Барча (тақдир эшитарми тилакларимни?!),**
**Барча дўстларингга йўлдош бўлсин бахт!**

## ШОГИРДЛАР ЭҲТИРОМИ

### САБОҚ

**● Пушкинни ўқиш, ўрганиш ва, айниқса, уни ўзбек тилига таржима қилиш орқали шоирларимиз Пушкиндан маҳорат сирларини ўргандилар. Ўзбек совет поэзиясига кириб, ўзлашаётган қатор шеърий формалар — баллада, элегия «бағишлов»лар — бари Пушкин поэзиясидандир. Бу кунги достонларимиз Пушкин мактабида ўқиш ва ўрганишнинг натижаси ҳамдир. Шеър тузилиши ва қофиялар системасида ҳам улуғ рус шоирининг «сабоғини» очиқ кўриш мумкин. Айниқса, ўрта асрларга хос эстетик нормалардан янги, реалистик, жонли, табиий образлар системасига ўтишда Пушкин бизнинг шоирларга муаллим бўлди.**

**ОЙБЕК.**

### МАҲОРАТ МАКТАБИ

**● Ўзбек ёзувчилари Толстой, Пушкин, Лермонтов ва бошқа рус ёзувчилари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида улардан жуда кўп нарсаларни ўргандилар. Рус классик ёзувчиларининг ижоди ўзбек совет ёзувчилари учун бадиий маҳоратни эгаллашда катта мактаб бўлди.**

**Ғафур ҒУЛОМ.**

### УМРИ БОҚИЙ ИЖОД

**● Пушкин дунё адабиётида бутун умрга яшаб қоладиган шоирдир... Пушкин асарларини ўзбекчага таржима қилиш натижасида ўзбек совет адабиёти ва унинг поэзияси ниҳоятда бойиди. Пушкин асарлари устида ишлаш натижасида ўзбек шоирлари жуда катта бир мактаб ўтган бўлдилар. Пушкин ижодининг ўзи билан яхшилаб танишиш катта сабоқ бўлса, уни ўзбек тилига ўгириш устида иш ундан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга.**

**Ҳамид ОЛИМЖОН.**

### АСЛ МИСРАЛАР

**Санъатни чин севган ўлкада,**
**Туғилди у букун янгидан.**
**Тозаланди асл мисралар**
**Замонининг қора чангидан.**
**Унинг шеъри мисоли олтин**
**Очилади ўқиган сайин.**
**Унинг шеъри қиличдан ўткир**
**Чақмоқдан тез, ипакдан майин.**
**Бу ижодга ўлим йўқ асло,**
**У яшайди моддадай мангу.**
**У олтиндир — ўқиган сайин**
**Очилади янгидан янги.**

**УЙҒУН.**

### ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ ШОИРИ

**● Ҳозирги замон ўзбек шеърининг барқи ва ривожида, кўрки ва камолотида ҳам улуғ Пушкин меҳнати улуғ Навоий бобо меҳнатидан кам эмас... Пушкин бизнинг замонда фақат рус халқининг миллий шоири эмас, балки эллар — элатлар, халқлар шоири, прогрессив инсоният шоири бўлиб қолмоқда.**

**Эркни улуғларди тенги кам созинг**
**Рус халқининг асрий нидоси бўлди,**
**Рус қалбининг акси садоси бўлди —**
**Шунинг учун сенинг жаранг овозинг.**

**МИРТЕМИР.**

### ОЛТИН ҚАЛАМ

**● Пушкин ўз гениал асарларида рус халқининг энг яхши хислатларини — эркесварлик, ватанпарварлик, мардлик, сабот, очиқ фикрлилик, ижодкорлик ва революцион журъатини мукаммал равишда акс эттирди. Биз социалистик ахлоқ ва шуур ўлчовини Пушкиннинг адабий меросига татбиқ қилганимизда, ундаги олижаноб ғояларнинг ва туйғуларнинг бизнинг совет замонасига қанчалик мос ва ҳамоҳанг эканини кўрамиз.**

**У кун... албат мужда эди кўп яхши:**
**Туғилибди олтин қалам бир бахши.**
**Балки у кун ёзилибди зарҳалдан —**
**Рус шеърининг сарлавҳаси устивор;**
**Ўсмир Саша тўқиган илк ғазалдан —**
**Зўр девонга қўйилганди пойдевор.**

**Мақсуд ШАЙХЗОДА.**

### БАРЧАГА БИРДЕК АРДОҚЛИ

**● Пушкин номи ва унинг шеърияти бутун халқлар ҳаётига нурдай сингиб кетган, фарзандларга она сути билан бериладиган туғма меросдай бўлиб кетган.**

**Пушкин бизники — ҳаммамизники. У ҳар доим менинг дилимда яшайди ва шеърларимга устозлик қилиб яшайди. Ҳар сафар тақдир сийлаб қўлимга қалам олганимда худди Навоий каби Пушкиннинг ҳам ўлмас шеърияти менга одамлар қалбига йўл топа оладиган, ҳаяжонлантирадиган сўзлар топа олишда мадад бериб туради. Мана, шу мададкор Пушкин ҳамиша бизнинг халқимизники, шеъримизники.**

**Мана, мен ҳам ўз-ла қолган чоғимда,**
**Дил ё хит, дил ё шод истаб суҳбатдош**
**Навоий ё Сизни қўлга оламан**
**Мен аёл қалбига Лайли, гоҳида**
**Татьяна бўларкан энг муниис йўлдош**
**Аёл буюклигин куйлаб қоламан.**
**Ва нақ бошимда зукко муаллим**
**Турасиз мен сўзга бераман, пардоз,**
**Буюкликка шогирд заиф қаламим**
**Ўлмас музангиздан олади парвоз.**

**ЗУЛФИЯ.**

# ДИЛ СЎЗЛАРИ

### АСОСИЙ МЕЗОН

Йиғилиш иштирокчилари шаҳарда партия, давлат, план, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш соҳасида сўнгги пайтларда партия, совет, жамоат ташкилотлари олиб бораётган амалий ишлар ўз самарасини бераётганлигини қониқиш билан таъкидладилар. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган 4 йилу 4 ойлик планлари саноат корхоналарида товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 107, реализация бўйича 105 процент бажарилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш 105 фоиз уддаланди. Қурилиш ташкилотлари коллективлари бош пудрат бўйича ва ўз кучлари билан белгиланган планларни 105 процент адо этдилар. Транспорт корхоналари юк ташиш планини 107 процент, савдо ташкилотлари товар обороти планларини 100,1, маиший хизмат корхоналари топшириқларини 102 процент адо этдилар. 1984 йилнинг социалистик мажбуриятларини ошириб бажарганликлари учун шаҳарга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва дипломи топширилди.

Шуни айтиш керакки, шаҳарда меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жойларда ишлаб чиқариш интизомига қандай риоя қилинаётганлигини мунтазам текшириб борадиган оператив группалар ташкил этилган. Шу йил апрель ва май ойларида улар ўтказган оммавий рейдлар натижасида жиддий камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди. Кўрикдан ўтказилган 50 корхона ва ташкилотдан 25 тасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми қўпол равишда бузилганлиги аниқланди.

71 ходим иш вақтида ишни ташлаб кетиб, магазинларда, бозорда ва бошқа турли жойларда юрганлиги аниқланди. Кейинги оммавий текширишда 23 меҳнат коллективи ва 5 та мактаб кўздан кечирилди. Ўша куни ишга 41 киши кечикди, 3 ходим, умуман, сабабсиз келмади. Уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Текширишда ҳали ҳамма жойда меҳнат интизоми шу кун талаблари даражасида эмаслиги аниқланди. Шаҳар алоқа узели, 32-ремонт-қурилиш бошқармаси, 165-қурилиш трестининг қурилиш бошқармаси, шаҳар матлубот жамияти, темир йўл станцияси ва бошқа бир қатор корхона ва ташкилотларда ишга кечикиб келиш, эрта кетиш, тушлик танаффусларига барвақт чиқиб, кеч қайтиш, иш жойида актив фаолият кўрсатмаслик, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш фактлари кўплаб учрамоқда.

Меҳнат интизоми бўш бўлганлиги учун К. Бобохонов директор бўлган сут-ёғ заводи коллективи мунтазам равишда давлат планларини барбод бериб келяпти. Ўтган йили завод 80 минг сўмлик кам маҳсулот берди. Бу йиллик планнинг 19 процентига тенгдир. Н. Раҳимов директорлик қилаётган пахта тозалаш... тиш фабрикаси ўтган йили планни атиги 88,3 процент бажарди, бу йил ҳам мунтазам оқсаб келмоқда. Пахта тозалаш заводи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида планга нисбатан 4,7 процент тола ва 8 процент момиқни кам ишлаб чиқарди. Шунингдек, меҳнат интизоми издан чиққан 165-трестга қарашли қурилиш бошқармаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси, 195-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективлари йиллик ва ойлик планларини муттасил бажармай келяпти.

Денов шаҳрида 140 та саноат, қурилиш, транспорт корхонаси бор. Шунга қарамай шаҳарда яшайдиган юзлаб киши ҳеч ерда ишламайди. Саноат корхоналарида меҳнат интизомининг бўшлиги сабабли ўтган йили 939 киши-куни йўқотилган. Шу ҳисобдан планда белгиланганидан 227,7 минг сўмлик кам маҳсулот етказиб берилган. Ремонт-механика, арақ-вино, ёғ-экстракция заводларида кўплаб иш вақти йўқотиляпти. Қурилиш корхоналарида иш вақтининг сабабсиз йўқотилиши 1239 киши кунини ташкил этди. Шундан 814 киши-куни шу йилнинг ўтган тўрт ойига тўғри келди.

*«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси Денов шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети билан ҳамкорликда «Очиқ хатлар куни»ни ўтказди*

### ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

«Очиқ хатлар куни» қатнашчилари асосан меҳнат, давлат, ишлаб чиқариш интизомига доир, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш масалалари ҳақида фикр юритдилар. Улар олибсотарлар, ҳеч ерда ишламай бойлик тўплаётганларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида кўпроқ гапиришди. Саволларнинг бир қисмига шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Умаров жавоб берди.

САВОЛ: «Деновдек катта шаҳарда маданият саройи, стадион, спорт заллари нега қурилмайди? Ёшлар бўш вақтларини қаерда ўтказишлари керак?» (Бинокор Э. ҲАЙИТАЛИЕВ хатидан).

ЖАВОБ: Савол жуда тўғри. Шаҳарда маданият саройи йўқ. Қурилишнинг лойиҳа ва смета ҳужжатлари яқинда тасдиқланди. Янги беш йилликда 700 ўринли маданият саройи ишга тушириладн. Янги мактабларда спорт заллари ишлаб турибди. Шаҳар ёшлари ишдан бўш вақтларида шуғулланишлари учун уларнинг эшиклари очиқ. Чўмилиш-сузиш ҳавзаси қурилиши бошланди. Яқин орада ишга туширилади.

САВОЛ: «Шаҳар «Тез ёрдам» станцияси ёнилғи, мойлов материаллари, шина, аккумулятор ва бошқа эҳтиёт қисмлар билан етарли таъминланмаган. Шаҳар, область соғлиқни сақлаш бўлимлари, қолаверса, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги бунга нега эътибор бермайди? Ўз вақтида ёнилғи ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш давлат интизомига кирмайдими?» («Тез ёрдам» станцияси бош врачи О. РАҲМОНОВ):

Бу саволга жавобан бирор аниқ-равшан фикр билдирилмагани ҳаммани таажжублантирди.

Минбарга шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари М. Бозоров кўтарилади.

САВОЛ: «Шаҳарда яшаб, ҳеч ерда бел оғритиб ишламай, барча қулайликлардан фойдаланаётган, уйида нон ёпиб бозорда сотиб, бойлик тўплаётган шахсларга нега чора кўрилмайди?» — сўради газетхон Х. ҚОБИЛОВ.

ЖАВОБ: Тўғри, бундай фактлар бор. Ички ишлар бўлими, шаҳар молия бўлими ва бозорком баҳамжиҳат иш тутса ва нон заводининг обинон цехлари маҳсулот сифатини тубдан яхшиласа, жамоатчилик кучи билан бундай иллатларни бартараф эта оламиз.

САВОЛ: «Давлат автоинспекцияси ходимлари айрим масъул ходимлар маст ҳолда транспорт воситаларини бошқаришини кўра-била туриб нега либераллик қилишади, уларга нисбатан ҳеч қандай чора кўришмайди?» (Йиғилиш қатнашчиси Ҳ. ХОЛМУРОДОВА).

ЖАВОБ: Шу йилнинг ўтган ойларида маст ҳолда автомашина бошқарган 50 дан зиёд киши ушланди. Улар орасида айрим масъул ходимлар ҳам бор. Шаҳар страхование бўлими бошлиғи Э. Мелиқулов, сут-ёғ заводи бош бухгалтери Э. Мустафин, бетон заводи бошлиғи А. Омонқуловларни бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Уларнинг ҳаммаси маъмурий ва партиявий йўл билан тегишли жазо олишди.

Йиғилиш қатнашчиси Холбой ЭШНИЁЗОВ: «Бозорда йил ўн икки ой чайқовчилик билан шуғулланиб келаётган айрим шахсларга нега кенг йўл очиб берилган?».

ЖАВОБ: Уларнинг ҳам танобини тортиш пайти келди. Кенг жамоатчилик кучи билан бундай фактларга барҳам берамиз.

Шаҳарда аҳоли соғлиғини сақлаш ва муҳофаза этиш борасида қатор ишлар қилинганлигини қайд этиш билан бирга жиддий камчиликлар ҳам борлиги таъкидланди. Шаҳар матлубот жамияти ходими Майрам АЗИЗОВА «Шаҳар поликлиникаси врачлари нега қатъий график асосида ишламайди? Бу ерда бош врач тез-тез ўзгарса-да, иш ўзгармайди?» — деб савол беради.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бош врачининг ўринбосари А. ХАЙБИЛОВ шундай жавоб берди:

— Яқинда поликлиника ишини жиддий график асосида ташкил этдик.

«Сурхангидрострой» ходимлари поликлиникада тартиб-интизом йўқлигидан, врачларнинг қўполлигидан нолиб гапиришди. Ўртоқ А. Хайбилов меҳнаткашлар соғлиғи ҳақида етарли қайғурмайдиган врачларга нисбатан тегишли чоралар кўрилажагини айтди.

Йиғилиш қатнашчиларидан 32-ремонт-қурилиш бошқармаси ходими А. Қурбонова, сут-ёғ заводи ишчиларидан бир группаси корхоналар ҳузурида савдо ва умумий овқатланиш ёмон ташкил этилганлиги ва бунинг сабабларига тааллуқли саволлар берди. Шаҳар матлубот жамияти правлениеси раиси Н. ФАТКУЛИНАнинг жавоби кишиларни мутлақо қаноатлантирмади.

«Очиқ хатлар куни»да шаҳар транспорти ҳамда алоқа хизматини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. С. Эронов, А. Бастаковаларнинг транспорт хизматига доир, Г. Матвеев, Х. Тошбоевларнинг алоқа хизмати ёмонлигига доир саволлари йиғилишда кенг муҳокама этилиб, бу соҳаларни барча чоралар билан яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Хусусан, шаҳарлараро телефон алоқасидаги жиддий хатолар очиб ташланди ва уни тузатиш чоралари аниқланди.

— «Очиқ хатлар куни»да ўртага ташланган масалаларнинг турмушга татбиқ этилишини шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети доимо назорат қилиб боради. Шу анжуман якуни ҳақида шаҳар партия комитети махсус қарор қабул қилади ва унинг ижросини мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларидан мунтазам талаб қилиб туради, — деб таъкидлади йиғилиш охирида сўз олган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Остонақулов.

**А. ХАЛИЛОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**




**● ПЕРВОМАЙСКИЙ**
**(Харьков области)**

**Пудратчилар кредит беришнинг прогрессив усулига ўтказилиши билан Первомайский район агросаноат бирлашмаси узоқ чўзилиб кетадиган қурилишдан қутилди. РАПО кенгашининг таклифига биноан давлат банки қурувчилар белгиланган муддатда ишга туширмаган қувватлар учун ссудалар бўйича оширилган процент ола бошлади. Сўм билан назорат қилиш туфайли ўтган йили районда қуриб битказилмаган биронта ҳам объект қолмади.**

**● ЕДИНЦИ**
**(Молдавия ССР)**

**Молдавиянинг Единци райони депутатларининг ташаббуси билан тузилган маиший хизмат кўчма бригадалари қишлоқ меҳнатчиларига уларнинг яшаш жойларида хизмат кўрсатмоқда. Кўчма бригадалар фермалар, дала шийпонларига бориб, буюртмачиларнинг вақтини тежамоқда. Экин-тикин ишлари бошланиши билан сартарошлар, суратчилар, фотографлар ҳам кўчма бригадалар составига киритилди.**

**● СТАВРОПОЛЬ**

**Студентлар поликлиникаси шаҳардаги барча олий ўқув юртлари ва техникумларнинг талабалари соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олди. Ставрополь шаҳрида қурилган бу поликлиниканинг асосий иш йўналиши — касалликларнинг олдини олишдан иборат. Врачлар, шунингдек, ўқув нагрузкаларини текширишади, студентларнинг рационал овқатланишини назорат қилишади, улар ўртасида санитария-гигиена маорифи ишларини бошқаришади. Поликлиникани барпо этишда шаҳардаги студентлар қурилиш отрядлари фаол қатнашдилар.**

